

МИНИАТЮРА РАНГТАСВИРИНИНГ ХОЗИРГИ КУНДА БАДИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Хаджиметов Бехзод Бахадирович

Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти

“Миниатюра ва китоб графикаси” кафедраси профессори

Анотация: Миниатюра санъатини Ўзбекистонда миллий рангтасвир сифатида ривожланиш босқичлари, собиқ иттифоқ давридаги миллий санъатимизни тиклашга бўлган ҳаракатлар, ташаббускор ва ўз соҳасининг фидойи инсонларининг жонбозликлари, ҳамда ҳозирги кунда таълим тизимидаги ривож боразида олиб борилаётган ислохотлар таҳлиллар асосида ўрганиб чиқилган.

Таянч сўзлар: Марказий Осиё, миниатюра, миллий рангтасвир, хаттотлик, нақш, композиция, бадий таълим.

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ МИНИАТЮРНОЙ ЖИВОПИСИ В ПРОЦЕССЕ СОВРЕМЕННОГО ХУДОЖЕСТВЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Хаджиметов Бехзод Бахадирович

профессор кафедры “Миниатюры и книжный графики”

в Институт искусств и дизайна имени Камалиддина Бехзада

Анотация: На основе анализа изучаются этапы развития миниатюрного искусства в Узбекистане как национальной живописи, усилия по восстановлению узбекского национального искусства во времена бывшего Союза, энтузиазм инициативы и самоотверженность людей своей сферы, а также реформы, проводимые сегодня в системе образования по направлениям миниатюры.

Ключевые слова: Центральная Азия, миниатюра, национальная живопись, каллиграфия, узор, композиция, художественное образование.

THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF MINIATURE PAINTING IN THE PROCESS OF MODERN ART EDUCATION

Annotation: Based on the analysis, the stages of development of miniature art in Uzbekistan as a national painting, the efforts to restore Uzbek national art during the former Soviet Union, the enthusiasm of initiative and dedication of people in their field, as well as the reforms carried out today in the education system in the areas of miniature are studied

Key words: Central Asia, miniature, national painting, calligraphy, pattern, composition, art education.

Миниатюра рангтасвир санъати Марказий Осиё давлатлари тасвирий санъати сифатида жозибador ва мафтункор санъат турларидан биридир. Хозирги кунда Шарқ миниатюра санъатини ўрганувчи, тадқиқ этувчи олимлар ёки бу нафис санъат мухлислари томонидан анъанавий ва замонавий кўринишдаги Миниатюра рангтасвир санъати катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Сўнгги ўттиз йил оралиғида Ўзбекистонда, миниатюра санъатининг иккинчи умри бошланди. Унинг анъаналарини давом эттираётган замондош мусаввирларимиз маҳорати улар асарларидаги пластик тимсолларнинг ҳайратланарли жозибadorлигида намоён бўлади. Қайта тикланган Шарқ миниатюраси намуналари бу санъатнинг умрбоқийлигидан ва умумжаҳон бадиий жараёнларининг муҳим таркибий қисми эканлигидан далолатдир. XX аср охири –XXI аср бошларида миниатюра санъатини Ўзбекистонда тикланиш жараёнлари ва ривожланиш босқичлари жадал суратлар билан шаклланиб, хозирги кунда қоғоз, мато, тошқоғоз, тери, локли қутича ва паннот, деворий сурат каби ўзига хос сатхларда ишланиб ўзгача қиёфа касб этмоқда.

Ўрта Осиёда XVI- XVII асрларда Моворауннахр, хусусан темурийлар давридаги тарихий қўлёзмалар, уларга ишланган миниатюра асарлари, миниатюра мактаблари, тарихий ривожланиш босқичлари О.Грбар, Т.Буркхард, А.Адамова, Э.Баҳари, Л.Улуч, О. Акимушкин, Б.Сергеев, Г.Пугаченкова, О.Галеркина, М.Ашрафи, М.Назарли каби олимлар томонидан ўрганилган. Замонавий Ўзбекистон миниатюра санъат ривожидан

кечаётган жараёнларни ўрганишда Ш.Шоёқубов, А.Хакимов, К.Акилова, З.Рахимова каби олимларнинг илмий мақолалари ва изланишлари катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда XVI- XVIII асрлар оралиғида яратилган миниатюра рангтасвир асарлари Лувр музейи, АҚШдаги Метрополитен санъат музейи, Фрир галереяси, Россиядаги Эрмитаж каби кўплаб йирик музейлар, Британия, Франция Миллий кутубхоналари каби йирик кутубхоналарнинг энг ноёб экспонатлари ҳисобланади. Бу мўжаз миниатюра асарлари нафақат рассом ва илмий изланувчиларни балки оддий томошабинни ҳам ўз нафислиги, мукаммал композициявий сюжетлари, рангдорлиги ва ишланиш жозибаси билан ўзига жалб қилади.

Ўрта Осиёда Темурийлар давридаги санъат ва маданиятнинг чўққига кўтарилганлигини бутун дунё эътироф этган. Темур ва Темурийлар даврида Ўрта Осиёда маҳобатли қурилишлар ва турли санъат турларини гуллаб яшнагани ва бу ҳолат янгича кўринишда намоён бўлганини замондошлар ҳам таъкидлашган. Тарихчи Ибн Арабшоҳ, Темурийлар Самарқандда қурган иншоотлари “янги услубда қурилган” деб таъкидлайди. [1. Б.17]

Шубҳасиз, Моварауннаҳр ҳудудида китоблар қадим замонлардан тайёрланган, аммо “китобат санъати” тушунчаси тўла ишонч билан айтиш мумкинки, XV аср биринчи ярмида, яъни Амир Темурнинг набираси Улуғбек томонидан Хуросон(Ҳирот)дан Самарқандга “китоб усталари”нинг келтирилиши билан пайдо бўлган[2. Б.20]

Ҳирот миниатюра мактаби ва анъаналарининг давом эттирган ҳолда миниатюра рангтасвири Самарқанд, Бухоро ва Шоҳрухия каби марказларда XV-XVI асрларда ўзига ҳос усулда шаклланиб ривож топиб боради. Ўз даврида Моварауннаҳр миниатюра мактабларининг йирик вакилларидан Мирак Наққош, Камолиддин Бехзод, Қосим Али, Маҳмуд Музаххиб, Муҳаммад Мурод Самарқандий, Муҳаммад Дарвиш Самарқандий, Муҳаммад Муқим, Абдулла Мусаввир каби кўплаб намоёндаларини

келтиришимиз мумкин. Улар ўз ижодий асарлари яратган усуллари билан тарих зарварақларида ўз номларини абадий муҳрлаганлар.

XV аср Шайбонийхон давлати ташкил бўлгунга қадар, Темурийлар давлати пойтахти Ҳиротда санъат энг гуллаган даврини ўз бошидан кечирган. Қўлёзма китоблари сарой “Китобхона”си моҳир усталари томонидан яратиларди. Китобхонада маҳоратли хаттотлардан ташқари, рассом, саҳифаловчи, китоб муқовасини тери босмаси ёки локли панно кўринишида тайёрловчи усталар ва ниҳоят моҳир наққош, китоб, муқова, зарварақ ва ҳошияларидаги энг нозик сиёҳқалам тилло суви ёки нақшларини ишловчи усталар бўлган. [3. Б.20]

XX аср бошларида собиқ шўролар давлатининг сиёсий, ижтимоий мураккаб оғир дамларида ижод этган, ўзбек миниатюрасини сўнгги вакили ҳисобланган рассом Садриддин Поччаев(1870-1948й) ижодида миниатюра йўналишида бир қатор, нусха олиш ва композиция яратишга бўлган урунишларни, Камолиддин Бехзод номидаги Бухоро санъат музейида сақланаётган “Лаззатун нисо”, “Юсуф ва Зулайҳо” номли миниатюралар билан безатилган икки қўлёзма китоблари, алоҳида кўринишдаги 28 дона миниатюраларда кўришимиз мумкин.

С.Поччаев китобот санъати услубида Абурахмон Жомийнинг “Юсуф ва Зулайҳо”, Алишер Навоийнинг “Фарход ва Ширин” дostonлари ва “Тўтинома” асарига миниатюралар ишлаган. Унинг асарларини ўша давр Бухоро миниатюра мактабининг сўнги наъмуналари дейиш мумкин.

Умуман олганда ўтган асрда миниатюра яъни миллий рангтасвир йўналиши деярли йўқолиб кетиш даражасига келиб қолган эди. 1980-йил бошларида ўша пайтдаги Ўзбекистоннинг биринчи секретари Ш.Рашидов ташаббуси билан Россияда локли миниатюра ишлаш мутахассислиги бўйича таълим олиб, амалий тажриба орттирган Ниёзали Холматовнинг Ўзбекистонда ижодий фаолият бошлаши сабабли Тошкент шаҳрида “Усто” бирлашмаси қошида “Локли миниатюра” устахонаси очилди. Бу бирлашмага миниатюра йўналишида мустақил изланаётган Ш.Мухаммаджонов,

А.Қамбаров, Ғ.Камолов, А.Йўлдошев, Т.Болтабоев, М.Сабилов, Х.Назирова, М.Сотиболдиева ва бошқа ёш рассомлар йиғилди. Бу устахона раҳбарлигига Чингиз Ахмаров ижодий йўналиш бўйича таклиф қилинди, устахона ишлаб чиқаришга асосланган бўлсада, ижодий йўналишида фаолият олиб борилган эди. Устахона ёшлиги сабабли ўз хом ашё базасига эга эмас эди. Шу сабабли қутичалар Россиянинг Палех қишлоғидан келтирилди. Ёш рассомлар анъанавий рангдор композицияларни қора фонда ишлашга мослашиш устида синов ва изланишлар олиб боришган. Шу билан бирга, турли давлат буюртмалари асосида маҳобатли миниатюра йўналиши шакллана бошлади.

Миниатюра санъати тасвирий санъатнинг миллий тури сифатида давлат буюртмалари асосида бино интерьерларини безашда ўз ўрнига эга бўлди. Бунга мисол қилиб, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ипакчилик вазирлиги, Тошкент аэропорти, Камолитдин Бехзод мемориал-боғ музейи каби бир қатор бинолар ички деворларига ишланган суратларни мисол қилишимиз мумкин.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йиллариданоқ, Республикамизда тасвирий ва амалий санъат соҳаларини ривожлантириш, ёшларни санъат соҳаларга қизиқтириш масалаларга давлат даражасида катта эътибор қаратила бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997-йил 23-январдаги “Ўзбекистон Бадий Академиясини ташкил этиш ҳақида”ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 1997-йил 11-мартдаги 131-сонли Қарорига асосан Ўзбекистон Бадий Академиясини ташкил қилинди. Ўзбекистон Бадий Академияси(кейинги ўринларда — ЎзБА)га бириктирилган бир қатор муассасалар қаторида Тошкент шаҳри ва вилоятларда, Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган бадий соҳага ихтисослаштирилган санъат мактаблари, коллежлар ва Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти(кейинги ўринларда — Институт) ташкил этилди.

Юртимизда тасвирий ва амалий санъати, дизайн, санъатшунослик ва музейшунослик соҳаларини ривожлантиришга, бу соҳалар учун ёш малакали

кадрлар тайёрлашга, уларни жаҳон бозори талаблари даражасидаги кадрлар бўлиб чиқишига катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг мисолини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 16-августдаги “Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3219-сонли қарори, 2020-йил 21-апрелдаги “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4688-сонли қарорларидаги санъат соҳаларини ривожлантириш ва замон талаблар асосида бадий таълим тизимини такомиллаштириш масалаларига қаратилган бандларда кўришимиз мумкин. Хусусан, миниатюра санъатига бўлган алоҳида эътиборни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 21-апрелдаги ПҚ-4688-сон қарорида, Камолиддин Бехзод таваллудининг 565 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш(1-иловаси), Хорижда сақланаётган Камолиддин Бехзод ва унинг издошлари ижодига мансуб асарларнинг асл ёки кўчирма нусхаларини юртимизга қайтариш(2-иловаси 3-банди), Бадий академия тизимидаги ихтисослаштирилган санъат мактаблари ҳамда мактаб-интернатларнинг мутахассислик фанлари бўйича янги авлод дарсликлари, ўқув-методик қўлланмалар, каталог-альбомлар, нота ва материалларни тайёрлаш ҳамда чоп этиш(2-иловаси 6-банди), Камолиддин Бехзод номидаги давлат стипендиясини таъсис этиш(2-иловаси 17-банди) бўйича бандлари орқали кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2021-йил 8-январдаги “Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 8-сон қарорида “Хаттотлик ва миниатюра таълим йўналишларида дарс жараёнини бевосита амалиёт билан боғлаш, миллий қадрият ва анъаналарни ўрганиш, сақлаш ва давом эттириш мақсадида миниатюра ашёларида ишлаш ҳамда қўлда тайёрланадиган қоғоз ўқув ишлаб чиқариш устахоналарини ташкил этиш”(1-

иловаси 15-банди) бўйича чора тадбирлар режаси ишлаб чиқиш орқали алоҳида эътиборни кўришимиз мумкин.

Юқоридаги, Давлат даражасида ишлаб чиқиладиган қарор ва фармонлардан кўриниб турибдики, Республикамизда бадиий таълим, хусусан миллий санъати тури бўлмиш, миниатюра рангтасвири соҳасида кадрлар тайёрлаш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Амалда ҳам, Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйлаб ўтказилиб келаётган халқаро ва республика миқёсидаги фестивал, конференция, танлов ва кўрғазмалар, бу соҳага қизиқувчиларни эътибори тортиб, Ўзбекистон ёшларни бу соҳага янада кўп жалб қилиб келмоқда.

Ҳозирги кунда, Ўзбекистонда, ЎзБА тасарруфида тасвирий ва амалий санъат соҳаларига ихтисослаштирилган республикамизни турли шаҳар ва туманларида жойлашган 13 та махсус мактаб интернатлари ва Институти фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу таълим муассаларида миниатюра йўналиши бўйича ҳар йили қабул квоталари шакиллантирилади ва ушбу кўрсаткич йил сайин ошириб бормоқда. Миниатюра рангтасвири соҳасига қизиққан, ўз ижодий фаолиятини ушбу йўналишида давом эттириш хоҳиши бор ёшлар тобора кўпайиб бормоқда. Ушбу санъат тури анъаналарини тиклаш, ривожлантиришга давлат даражасида эътибор қаратилгани сабаб бу соҳа Ўзбекистонда кун сайин ривожланиб бормоқда.

Миниатюра соҳасида дастлаб таълим фаолиятини бошлаган таълим муассаси “П.Бенков номидаги республика ихтисослаштирилган санъат мактаби”(кейинги ўринда ихтисослаштирилган санъат мактаби) ҳисобланади. Бу таълим муассаси, 1949-йилда “П.Бенков номидаги республика билим юрти” негизида ташкил этилган бўлиб, 1991-йилдан 2020-йиллар оралиғида “Республика рассомлик колледжи” деб юритилган. Ихтисослаштирилган санъат мактаби 1997-йилдан ҳозирги кунга қадар ЎзБА тасарруфида ўз фаолиятини амалга ошириб, тасвирий ва амалий санъат, дизайн соҳалари бўйича республикамиз ихтисодиёти секторларига кадрларни етиштириб келмоқда. Ихтисослаштирилган санъат мактаби 1990-

йиллардан буён “Локли миниатюра” йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлайди. Хозирги кунда бу йўналиш, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат меҳнат муносабатлари вазирлиги касб стандартлари рўйхатида “Лок миниатюраси рассоми” номи билан номланган.

ЎзБА тизимидаги махсус мактаб интернатларнинг еттитаси(П.Бенков номидаги махсус ихтисослаштирилган мактаб, Қўқон ихтисослаштирилган санъат мактаби, Наманган ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати, Хоразм вилоят ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати, Қашқадарё ихтисослаштирилган санъат мактаб–интернати, Андижон ихтисослаштирилган санъат мактаб–интернати, Жиззах ихтисослаштирилган санъат мактаб–интернати)да “Лок миниатюра рассоми” ихтисослиги бўйича қабул мавжуд ва ўқувчиларга ушбу соҳа бўйича таълим бериб келинмоқда.

Бу ўринда ўқув жараёни ва педагог кадрларни фаолиятини тахлили натижасида тизимдаги баъзи камчиликларни мавжудлиги аниқланди. Бу вилоятлардаги мактаб интернатларда миниатюра соҳаси бўйича малакали, диплом мутахассислиги мос келадиган кадрларнинг етишмаётганлигидан келиб чиқади. ЎзБА тизимидаги таълим муассасаларинидан олинган сўровнома ва тахлиллар натижасида П.Бенков номидаги махсус ихтисослаштирилган мактаби, Қўқон вилоят ихтисослаштирилган санъат мактаби ва Хоразм вилоят ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ўқитувчилари диплом мутахассисликлари бўйича дарс бериб келишаётгани маълум бўлди. Бу эса “Лок миниатюра рассоми” соҳаси бўйича мутахассислиги бўйича таълим бериш масалаларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Лок миниатюраси бўйича амалий кўникмага эга бўлмаган мутахассис шу соҳа бўйича ўқувчиларга талаб даражасида билим бериб уларда ушбу соҳа бўйича кўникмаларни ҳосил қилиши мантиқан тўғри келмайди. Демак ЎзБА тизимидаги ушбу соҳа ўқитувчиларини танлаш масаласини қайта кўриб чиқиш керак бўлган долзарб масала ҳисобланади.

Давлат томонидан таълим тизимида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш мақсадида, мактаб интернат, коллеж ва санъат мактабларидан

сўнг кейинги босқич, олий таълим тизимида бакалавр ва магистратура мутахассисликлари бўйича миниатюра соҳасида тахсил олиш имконияти яратилган. Ўқувчилар Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидан келиб ўз қизикқан соҳалари бўйича институтда ўқишни кейинги босқичини давом эттириш имкониятига эга.

Институтда 1999-йилдан бошлаб “Хаттотлик ва миниатюра” таълим йўналишига талабалар қабул қилиниб келинмоқда. “Хаттотлик ва миниатюра” таълим йўналиши учун қабул квоталари дастлабки 1999-2000 ўқув йилида 6 нафар(4та грант, 2та контракт)ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2021-2022 ўқув йилига келиб 20 нафарни(3та грант, 17та контракт) ташкил қилмоқда. Лекин табақалаштирилган тўлов контракт асосида таълим олиш ҳоҳловчилар сони кўплиги сабаб, бу кўрсаткичлар 2021-2022 ўқув йилида яна 5 нафарга кўпайиб, ҳозирда институтнинг “Хаттотлик ва миниатюра” таълим йўналиши биринчи босқичида 25 нафар талаба тахсил олмоқда. Институтда ушбу таълим йўналиши очилгандан буён Миниатюра соҳасида фолият олиб борган мутахассислардан дастлаб Ўзбекистон Халқ устаси, Ўзбекистон Бадий Академияси Академиги Н.Холматов(1948-2020), “Мехнат шухрати” ордени соҳиби М.Сабиоровлар, кейинчалик шу йўналишда тахсил олиб институтни мувофақиятли тамомлаган ёш педагоглардан Б.Хаджиметов, З.Сулаймонова, Ч.Пайзиева, А.Солиев, А.Алибоев, Г.Абдуллаевалар ишлаб талабаларга мутахассислик фанларидан билим бериб келишмоқда.

Институтда “Хаттотлик ва миниатюра” йўналишида тахсил олувчи талабаларга “Миниатюра композицияси”, “Китобот санъти”, “Миниатюра ашёларида ишлаш”, “Мутахассислий бўйича материалшунослик”, “Хаттотлик”, “Хуснихат” каби мутахассислик фанларидан тахсил бериб келинмоқда. Ушбу фанлар доирасида вазифалар анаънавий ва замонавий мавзуларга бўлиниб, фан вазифалар оддийликдан мураккабликка қараб ривожлантириб борилади. Талабалар мутахассислик фан вазифалари юзасидан маиший мавзулардан тортиб то мураккаб тарихий композициялар

устида тажриба ва изланишлар олиб борадилар.

“Хаттотлик ва миниатюра” йўналиши ташкил этилганлигига қисқа вақт булганлигига қарамай Миниатюра соҳасида Институтда эришилаётган ютуқлар сезиларли. Бунга ушбу йўналиш талабаларидан Б.Хаджимеиов(2005), Ч.Пайзиевалар(2013) Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси, З.Сулаймонова (2005), Ч.Пайзиева(2010), Г.Абдуллаева (2015) Навоий номли Давлат стипендияси, Д.Хошимова(2021) Камолиддин Бехзод номидаги Давлат стипендияси соҳиблари, кўплаб Халқаро ва Республика миқёсидаги танлов ғолиблари, кургазма иштирокчилари мисолида кўришимиз мумкин.

Миллий рангасвир санъати бўлмиш миниатюра рангасвирини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш, унинг асл мазмуни ва қиёфасини йўқотмаган ҳолда қайта тиклаш ва замон талаблари асосида янги асарлар яратиш Ўзбекистон тасвирий санъатида 1980 йиллардан бошлаб ҳозирги кунга қадар долзарб масалаларидан бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунга келиб тасвирий санъатнинг миниатюра йўналишларида ижод этаётган кўплаб рассомлар ижоди мисолида Ўзбекистон миниатюра санъатида ижобий томонга жуда катта ўзгаришлар бўлмоқда. Шу ўринда миниатюрочи мусаввирларнинг сунгги ўттиз йил давомида сафи, ҳамда сифати ошиб, дунёнинг барча давлатларида ўз маҳоратларини намоиш этиб томошабинларни хайратга солиб келмоқда. Ҳозирги кун миниатюра мусаввирларнинг қилқалами ўткирлиги, нозиклиги ишланаётган композицияларнинг турли мавзуларда эканлиги томошабинни мафтун этади, лекин миниатюра нафақат ижтимоий турмуш тарзи балки, биринчи ўринда шеърят билан чамбарчас боғлиқ санъат туридир.

Бизгача тарих варақлари сифатида этиб келган ўз даврини акс эттирган миниатюра асарлар каби биз ҳам авлодларимизга санъат асарлари кўринишида муносиб манбаа қолдиришимиз зарур. Шундай экан ҳозирги кун миниатюра рассомлари XIV-XVIII аср миниатюраларидан андоза олиш билан кифояланмасдан, балким ҳозирги кун шеъряти, турмуш тарзи, урф

одатлари ва шунга ухшаш замонамиз жараёнларини тарих зарварақларига муҳрлаши лозимдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Пугаченкова Г.А. Шедевры срений азии./Албом. Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти.1986.
2. Акилова К. Лакли миниатюра: шакилланиш муаммолари. // San'at. № 1-3.– Тошкент, 1998.
3. Галеркина О. Миниатюра Мевереннахра. Издательства «Аврора» Ленинград.1980.